

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"So'fiqishloq paxta tozalash" AJ

Объявление

"SO'FIQISHLOQ PAXTA TOZALASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИЯДОРЛАР НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИШ

“СЎФИҚИШЛОҚ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Сўфиқишлоқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2019 йил 11 декабрь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 11:00да Жалақудук тумани, Охунбобоев шахри, Висол кўчаси, 16-уйда жойлашган “Сўфиқишлоқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади. Йиғилишқатнашчилари соат 10 – 00 да рўйхатга олиш бошланади.

Жамиятнинг электрон манзили: [https:// info@ So'fiqishloqandpaxta.uz](https://info@So'fiqishloqandpaxta.uz)

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР :

- 1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- 2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
- 3. Жамият акциядорларининг 2019 йил 12 июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорларини бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш.
- 4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 июлдаги 03/1-3276-сонли йиғилиш баёни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 5 сентябрдаги 06/1-1711-сон топшириғига асосан жамият балансидаги пахта тозалаш корхонаси ҳамда тайёрлов масканлари бино-иншоотлари ва бошқа асосий воситаларини ижарага бериш масаласини кўриб чиқиш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2019 йил 19 ноябр ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (3 иш куни олдин) 2019 йил 05 декабрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт, ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт. (жисмоний шахслар учун-нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун-мазкур юридик шахс томонидан берилган)

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Сўфиқишлоқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
Жалақудуқ тумани, Охунбобоев шаҳри Висол кўчаси 16 -уй,

электрон почта: info@So'fiqishloq andpaxta.uz (mailto:info@_____paxta.uz) тел : 91.475-09-79.

19.11.2019

Источник: <http://openinfo.uz/en/announce/7782/>

Дата: 06.08.2020